

Хотин-қизлар манфаатлари – доимий эътиборда

Ўзбекистон туманида "Мамлакатимизда аёлларга берилаётган эътибор ҳамда оилавий ажримларнинг олдини олиш" мавзусига бағишиланган семинар бўлиб ўтди.

Мазкур семинар Фарғона вилоят суди ва Фарғона вилоят ҳокимлиги ўртасида 2020 йил 15 декабрда тасдиқланган Меморандум ижроси доирасида ташкил этилди.



Унда Фарғона вилоят суди раиси ўринбосари О.Хасанов, фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг раиси У.Хўжақулов, Ўзбекистон тумани ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи М.Камолова, туман прокурори катта ёрдамчиси А.Қурбоновлар иштирок этишди.



Шунингдек, семинарда тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари қатнашдилар.

Семинарда кун тартибидаги мавзу юзасидан суд раислари ва прокурор ёрдамчиси томонидан иштирокчиларга кенг хуқуқий тушунтиришлар берилиб, чақалоқ савдосини олдини олиш, судга даво аризалар топшириш, суд буйруқларини чиқариш тўғрисидаги буклетлар тарқатилди.



REDMI NOTE 8
AI QUAD CAMERA

Мавзуға оид савол-жавобларга бой үтган тадбир давомида келгусида ҳамкорликда ақамият қаратиш лозим бўлган жиҳатларга ҳам урғу берилди.

2021-04-09 01:21:33